



**SIRDARYO VILOYATI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH BOSHQARMASI BOSHIG'INING
BUYRUG'I**

20 22 yil "16" avgust

№ 186 sh/t

Guliston sh

"Ishga qabul qilish va lavozimga tayinlash to'g'risida"

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 82, 83 va 87-moddalariga asosan, **buyuraman:**

1. ELMURODOV DILSHOD SALOXIDDINOVICH – 2022-yil 16-avgust kundan boshlab, Sirdaryo tumani Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish bo'limi boshligi lavozimiga tayinlansin.

2. Bosh hisobchi (U.Xudayshukurov)ga: D.Elmurodovga tasdiqlangan shtat jadvali asosida ish haqi belgilansin.

3. Sirdaryo tuman Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish bo'limi boshlig'i lavozimiga xodim tayinlanganligi sababli, boshqarmaning 2022-yil 29-iyun kungi 164 x/s -sonli buyrug'i o'z kuchini yo'qotgan deb hisoblansin.

Asos: Sirdaryo viloyati Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish boshqarmasini 2022-yil 16-avgust kungi Tanlov komissiyasining 5-son yig'ilish bayoni.

Boshqarma boshlig'i v.v.b:

Sh.Numanov

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Сирдарё вилояти

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи в.в.б –

Танлов комиссия раиси в.в.б

Ш.Нуманов

2022 йил “ 16 ” август



Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси марказий аппаратида ўтказилган

Танлов комиссиясининг

5-сон йиғилиш баёни

2022 йил “16” август

Гулистон шаҳри

- Раислик қилувчи:** - Ш.Нуманов - Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси, Танлов комиссия раиси
- Кузатувчилар:** - Г.Буранова - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят филиали инспектори
- Иштирок этганлар:** - Н.Джамбурбаев - Давлат Экология қўмитасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси Маъмурий амалиёт ва ходимларни баҳолаш бўлими бошлиғи
- Котиб:** - Сирдарё вилояти Экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Танлов комиссия аъзолари
- М.Шукурова-Кадрлар бўйича бош мутахассис, Танлов комиссияси котиби

Кун тартиби:

Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Сирдарё туман бўлимидаги бўш иш ўринларига vacancy.argos.uz сайти орқали эълон қилинган лавозимларга номзодларни очиқ танлов асосида саралаб олиш ҳамда номзодни тест ҳамда суҳбат жараёнларидан ўтказиш юзасидан олиб борилган ишлар натижалари тўғрисида

(Р.Эргашев, Б.Қудратов, Ш.Нуманов, У.Махаммадиев, ...Р.Эргашев)

Сирдарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, танлов комиссияси котиби М.Шукурова йиғилиш кун тартибидаги масала юзасидан танлов иштирокчиларига танлов комиссия таркиби таништирди.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Давлат экология қўмитаси ўртасида 2021 йил 14 июлда Давлат экология қўмитаси марказий аппарат, худудий

бўлинмалар, тизимдаги ташкилотлардаги вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисида “Тартиб” тасдиқланганлиги;

Ушбу “Тартиб” бўйича бўш лавозимларга оид маълумотлар агентликнинг www.vacancy.argsos.uz сайти орқали Давлат экология қўмитаси ҳамда унинг худудий бўлинмалари томонидан жойлаштирилиб борилмоқда.

Сирдарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали билан ҳамкорликда 2022 йил 2 август куни Сирдарё туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи вакант лавозимига Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали (vacancy.argsos.uz) орқали очик мустақил танлов эълон қилинган.

Танлов бўйича номзодларнинг ҳужжатларини қабул қилиш 11 августга қадар давом этган. Жами 18 нафар номзодлар танловда иштирок этиш истагини билдириб, ҳужжат топширган.

12 август куни номзодларнинг ҳужжатлари лавозим учун белгиланган малака талабларига мослиги ўрганиб чиқилиб, 18 нафар номзодлардан 5 нафари томонидан ариза бекор қилинган, 9 нафар номзодларнинг ҳужжатлари малака талабларига мос келмаганлиги сабабли қайтарилган бўлиб 4 нафар номзодлар жорий йилнинг 16 август куни соат 14-00да бўлиб ўтадиган суҳбатга таклиф этилганлар.

Иштирокчилардан 1 нафар номзод яъни, Қурбонова Сурайё сабабсиз суҳбат жараёнларида иштирок этмади.

Сирдарё вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 2022-йил 16 август куни соат 14:00да бўлиб ўтиши белгиланган суҳбат жараёнлари билан номзодлар таништирилди ҳамда суҳбат жараёнида 3 нафар номзодлар иштирок этди.

Суҳбат яқунлари бўйича суҳбатда иштирок этган номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Сирдарё вилоят филиали вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакили томонидан Сирдарё вилоят Экология бошқармасининг Танлов комиссиясига нисбатан эътироз ҳамда шикоятлар билдирилмади.

Суҳбат жараёнлари Сирдарё вилоят Экология бошқармаси томонидан видеоёзувларга олинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда йиғилиш,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Сирдарё туман Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи лавозимига номзод Д.Элмуродов билан ўтказилган суҳбат жараёнида унга берилган саволларга номзод томонидан такдим этилган жавоблар қониқарли деб топилсин ҳамда мазкур лавозимга тайинлансин.

2. Мазкур йиғилиш баёни ижроси бўйича назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Йиғилиш қотиби:



М.Шукурова